
Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланди

Данғара туманида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан маданий-маърифий тадбирнинг тантанали қисми туман маданият марказида ташкил этилди. Тадбир аввалида “Темурий давомчилари” мактаби ўқувчиларининг чиқишлари намойиш этилди.

Тадбирни туман ҳокими ўринбосари А. Абдуллаев очиб бериб, тумандаги хизмат бурчини ўтаётган барча харбийларни 14-январ “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан табриклаб ўтди.

Маҳалий санъаткорлар томонидан юртни тараннум этгучи куй қушиқлар ижро этилиб, ўз хизмат бурчини аъло даражада ўтаётган бир гуруҳ соҳа фидойилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.







2022-01-14 10:23:41